



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG'OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 19 - Март

534 -son

Bog'ot shaharchasi

Боғот тумани “Қалажиққалъа” маҳалласи ҳудудида жойлашган “QALAJIQQALA PARRANDA” МЧЖга қарашли “Паррандачилик фермаси, эски дўкон, қоравулхона” бино ва иншоотларига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Тумандаги “QALAJIQQALA PARRANDA” МЧЖ раҳбари И.Рахимовнинг Боғот тумани “Қалажиққалъа” маҳалласида жойлашган “Паррандачилик фермаси, эски дўкон, қоравулхона” бино ва иншоотларига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 22 февралдаги ШЯ-Р-744-сонли сўровномасини, Боғот туман ҳокимининг 2018 йил 5 апрелдаги 838қ-сонли, 2020 йил 19 мартдаги 615қ-сонли қарорларини, “QALAJIQQALA PARRANDA” МЧЖнинг 2020 йил 15 июндаги 2-сонли йиғилиш баёнини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 22 февралдаги 518-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 7, 20, 29-моддалари ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Қалажиққалъа” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами ички ўлчам 423,08 квадрат метр, жами қурилиш ости майдони 596,8 квадрат метр, умумий ер майдони 3840,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу “Паррандачилик фермаси, эски дўкон, қоравулхона” бино ва иншоотлари “QALAJIQQALA PARRANDA” МЧЖга тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. “QALAJIQQALA PARRANDA” МЧЖ раҳбари (И.Рахимов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Паррандачилик фермаси, эски дўкон, қоравулхона” бино ва иншоотларини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев